II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жихатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2018 йилнинг январь-март ойларида 651,0 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 102,2 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида кўпроқ қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, унинг улуши 90,2 фоизни ташкил этди (2017 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 100,2 фоиз). Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш улуши 1,8 фоизни (ўсиш суръати 112,1 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш улуши 7,1 фоизни (ўсиш суръати 138,2 фоиз), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш улуши 0,9 фоизни (ўсиш суръати 80,0 фоиз) ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат махсулотлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан фоизда)



Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора–тадбирларни амалга оширилиши, кичик бизнес томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 97,9 фоизга ошишини таъминлади. Агарда жами саноатда кичик бизнеснинг улуши 48,7 ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича
саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йилнинг январь-март ҳолатига)

	Млрд. сўм	*2017 йил январь-мартга нисбатан фоизда*
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми	**651,0**	**102,2**
Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	**11,8**	**112,1**
улардан:		
тоғ–кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	11,8	112,1
Қайта ишлаш саноати	**587,2**	**100,2**
ундан:		
озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	129,0	90,0
ичимликлар ишлаб чиқариш	0,1	120,3
тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	234,9	98,0
кийим ишлаб чиқариш	38,6	129,8
чарм буюмлари ишлаб чиқариш	21,1	71,5
ёғоч ва пукак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	4,9	190,2
қоғоз ва қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқиш	1,2	105,7
нашр қилиш ва ёзилган материалларни тиклаш	0,5	77,3
кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2,2	93,4
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	0,1	113,8
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш	-	-

	Млрд. сўм	*2017 йил январь-мартга нисбатан фоизда*
резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	16,1	113,9
бошқа нометалл менирал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	24,6	93,1
металлсозлик саноати	6,2	37,9
машина ва ускуналардна ташкари тайёр металл буюмлар ишлаб чикариш	2,9	95,5
компьютер, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	2,5	254,9
электр жиҳозлар ишлаб чиқариш	88,2	128,1
бошка тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	0,1	77,8
мебель ишлаб чиқариш	5,5	158,1
бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	6,4	263,9
машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	1,5	176,0
автотранспорт воситалари, трейерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	0,5	65,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	**46,2**	**138,2**
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	**5,8**	**80,0**

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши, вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида 2018 йилнинг январь-март ойларида 17,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 293 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди ва 50 та янги иш ўринлари яратилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари

	2017 йил январь-март	*2018 йил январь-март*
Лойиҳалар сони, *бирлик*	35	41
Корхоналар сони, *бирлик*	19	27
Ишлаб чиқариш ҳажми, *млрд. сўм*	5,0	17,8
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот хажми, минг *АҚШ долл.*	-	293
Яратилган янги иш ўринлари, *бирлик*	25	50

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2017 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 100,7 фоизга ва жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушини эса ўтган йилнинг мос давридаги 47,9 фоиздан 42,7 фоизга тушган.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби
(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан фоизда)